

**FORMATION OF PROFESSIONAL-CULTURAL RELATIONSHIPS IN FUTURE
PHYSICAL EDUCATION TEACHERS
(EXAMPLE OF KURASH)**

A. Tilakov

Jizzakh State Pedagogical University
Teacher of the "Sports Teaching Methodology" department

ABSTRACT

One of the factors determining the rapid development of the struggle, which has been inherited from our ancestors to us as a value, and its prospects, is the issue of personnel. Although the history of wrestling goes back 3-3.5 thousand years, the period of the main development of wrestling corresponds to the 60-70s of the last century. Due to insufficient attention to wrestling in those years, we see that elements of physical education were partially used in the processes of lessons.

Key words: kurash, value, sport, health, education, national, personnel, history of struggle.

**БҮЛЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ-МАДАНИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ
(КУРАШ МИСОЛИДА)**

А.Тилаков

Жizzих давлат паедагогика университети
«Спорт турларини ўқитиш методикаси» кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Аждодларимиздан қадрият сифатида бизгача меърос бўлган курашнинг бугунги кунда жадал суратларда ривожланиб бориши ва унинг истиқболини белгилаб берувчи омиллардан бири бу кадрлар масаласидан иборатdir. Курашнинг тарихи 3-3.5 минг йиллик тарихга бориб тақлган бўлсада, курашнинг асосий ривожланиши даври ўтган асрнинг 60-70 йилларида тўғри келади. Ўша йилларда курашга етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли жисмоний тарбия дарслар жараёнларида элементларидан қисман фойдаланиб келингандигини кўрамиз.

Калит сўзлар: кураш, қадрият, спорт, соғлиқ, тарбия, миллий, кадрлар, кураш тарихи.

АННОТАЦИЯ

Одним из факторов, определяющих быстрое развитие борьбы, доставшейся нам от предков как ценность, и ее перспективы, является кадровый вопрос. Хотя история борьбы насчитывает 3-3,5 тысячи лет, период основного развития борьбы соответствует 60-70-м годам прошлого века. Из-за недостаточного внимания к борьбе в те годы мы видим, что элементы физического воспитания частично использовались в процессах уроков.

Ключевые слова: борьба, ценность, спорт, здоровье, воспитание, народ, кадры, история борьбы.

Маълумки, кураш спорти ёшларнинг жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг асосий воситаларидан биридир. Бундан ташқари, кураш энг қадимий, ҳаммабоп ва кенг тарқалган спорт туридир. Қадимда халқимиз ичида эпчиллик, чаққонлик, кучлилик ва иродавий фазилатларни ўзларида мужассам этган кишилар кўп бўлган. Ушбу фазилатлар ва юксак техник-тактик маҳоратга эга бўлган машҳур курашчиларни ўзбек халқи полвонлар деб аташган. Буюқ аллома Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида кураш инсонни руҳий ва жисмоний ҳолатини яхшилашнинг муҳим воситасидир дея эътироф этилган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий асарларида эса кучли курашчиларнинг беллашувлари тасвирланган ҳамда баъзи усусларнинг таърифи келтирилган. Ушбу асарлардан кўриниб турибдики, ўзбекларда усуслар тизими етарлича ривожланган миллий кураш спорти мавжуд бўлган. Кураш соҳасидаги етакчи мутахассислар А.Атоев, Ф.А. Қеримов, К.Юсупов, Н.Х.Азизов, Ж.Тошпўлатов, У.Иброҳимов, З.Жумаевларнинг илмий-услубий манбаларида тасдиқланишича, аждодларимизнинг маданий тараққиёти ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва майший ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу эса кураш, халқимизнинг этник маданий турмуш тарзи, жисмоний маданияти билан уйғунлиқда тараққий этиб келганлигидан далолат беради. Шу билан бирга курашнинг тарихий тараққиётини, турли ижтимоий тузумлар давридаги маданият, маърифат, тарихий воқеалар ҳамда анъаналардан алоҳида ажратиб ўрганиб бўлмайди. Мустақиллик ҳамманинг орзуларга тўла қабига шодлик бахш этиб ўзлигимизни, асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўлмас қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берди.

Аждодларимиздан қадрият сифатида бизгача меърос бўлган курашнинг бугунги кунда жадал суратларда ривожланиб бориши ва унинг истиқболини белгилаб берувчи омиллардан бири бу қадрлар масаласидан иборатдир. Курашнинг тарихи 3-3.5 минг йиллик тарихга бориб тақлган бўлсада, курашнинг асосий ривожланиши даври ўтган асрнинг 60-70 йилларига тўғри келади. Ўша йилларда курашга етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли жисмоний тарбия дарслар жараёнларида элементларидан қисман фойдаланиб келингандигини кўрамиз.

Курашнинг ривожланишида Т.Одилов, А.Атоев, Ж.Турсунов, К.Юсупов, О.Тоймуродов, О.Хайитов, Х.Рафиев, А.Тилаков, Р.Тўраев, а.Абдузаттаров каби фидойи мураббий олимлар томонидан яратилган дарслик, ўқув қўлланма, услибий қўлланма чоп этилиб курашнинг бошқа спорт турлари каби ўз ўрни ва нуфузи борлиги асослаб берди. Бу мураббийлар ва олимлар томонидан курашнинг асослаб берилганлиги туфайли охирги 15-20 йил ичида кураш қадрланиб, сайқалиб, ривожланиб келмоқда. Кураш усуслар тизимини ривожлантиришда А.Атоев, К.Юсупвларнинг ҳаракатлари натижасида кураш жаҳонга юз тутди.

Курашнинг иқтисодий-ижтимоий имкониятларини ва моддий базаларини бериш ҳурматли биринчи президентимиз И.А.Қаримов ташаббуслари билан амалга оширилди. Кураш қоидалари аждодларимизнинг урф-одатлари, удумлари, ишлатилган атамалари асосида содда ва оддий қилиб ишлаб чиқилди. Полвонларнинг ижобий ҳаракатлари „

ҳалол”, „ёнбош”, „чала” атамаларини ишлатиш билан баҳоланиб томошабинлар томонидан тез ва осон ўзлаштириб олинди.

Республикамизда мустақилликдан кейин халқаро турнирлар, Осиё, Жаҳон биринчиликларининг ўтказилиши бунинг яққол намунасиdir. 2005-йил Тошкентда, 2011-йил Термизда ўтказилган жаҳон биринчиликлари Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида ўтказилиб келинаётган халқаро турнерларда чет-эллик ҳакамларнинг иштироки ва гиламдаги гиламдаги холатларни баҳолашлари, атамларни айтишлари бунга мисол бўлади. Кураш бўйича ўтказилаётган мусобақалар дунё ахлига ёрқин таъсуротлар, завқу суур илашмоқда. Бунинг барчаси кураш умуминсоний қадрият сифатида муносиб ўрин олишига хақли эканлигининг тасдиғидир. Кураш азал-азалдан тўй-хашар, халқ сайилларида уюштирилиб халоллик, орномус белгиси саналган. Ўргатиш назаряси ва усулияти, техникасини эгаллашни, мустақил ишлаш учун зарур бўладиган қасбий қўнишка ва малакаларни эгаллашни кўзада тутади. Кураш фанини ўқитишдаги фаолиятлари ғоят мураккаб ва қўп қиррали жараён хисобланади. Турли номлардаги дарсларни ўргатиш билан бир қаторда, талабаларнинг хулқ-авторлари, билан даражалари ва фанга бўлган муносабатларини кузатиш, ўргатиш, тарбия бериш билан қўшиб олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчида чуқур билим, педагогик маҳорат ва шахсий намуна, ташаббускорлик, янгилик сари ижодийизланиш фаолиятлар устун бўлиши керак.

Кураш дарслари, машғулотлари ва мусобақа жараёнида талабалар шикастланишини табиий бир ҳол. Буларнинг асосий сабаблари қўйдагича;

Дарсларда ўқитувчи томонидан талабаларга эътиборсизлиги;

Машқларни бажаришда ўзини химоя (страховка) қилишни билиш;

Кураш кийими (яктак) да дарсларда қатнашмаслиги;

Шахсий гигиеник қоидаларига риоя қилмаслик;

Ўқитувчининг, мураббийнинг руҳсатисиз машғулотларга киришиш;

Тақиқланган буюмлар тақиб кириши (узук, заголка).

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги ундаги маҳоратининг таркиб топишига ҳаётий муҳим сифатлар хамда меҳнатга ва ватанини химоя қилишга зарур бўладиган малакаларнинг хосил бўлишида асос бўлиб хисобланади. Машғулотларни ташкил этиш ва жиҳозланиш, жойларнинг соддалиги туфайли кураш ёшларни мамлакатимизда оммавий жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига жалб қилишга ёрдам беради.

Бугунги кунда миллий спорт туримиз кураш ривож топиб, спортчи ёшларимиз маҳорати янада ортиб бормоқда. Мамлакатимизда яратилаётган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланганларимиз Осиё, Жаҳон спорт ареналарида юқори натижаларни қўлга киритиб келишмоқда. Бугунги кунга келиб кураш техникаси ва тактикаси жадал суратларда ривожланиб бормоқда. Бунга исбот сифатида юртимизда бўлиб ўтаётган жаҳон биринчиликлари, халқаро турнирларни олишимиз мумкин. Японя, Бразилия, Туркия, Жанубий Корея, Эронлик полвонларнинг техникаси муҳлислар ва мутахасислар томонидан яхши баҳоланди. Туркияда ўтказилган XI жаҳон чемпионатида 90 кг га курашган Шуҳрат Арслоновнинг техникаси муҳлислар, мутахасислар юқори техникага эга эканликлари эканликларини тақиқлаб ўтди. (П. Тўраев, О. Хайитов).

Курашнинг техникаси ва тактикаси бутун дунё спортчилари томонидан ўзлаштирилиб янгидан янги жаҳон чемпионлари ва халқаро турнерларда ғолиб бўлишларидир. Шунга қарамасдан курашнинг назарий билимларини ўзлаштириш ортда қолмоқда. Қуйидаги тадқиқот изланишда Олий таълим талабаларига курашнинг назарий билимлар беришни бош мақсад қилиб олдик.

- ўқувчи томонидан томонидан маруза, семинар дарсларида курашнинг назарий асосларини тўлиқ ўргатиш ва тушинтириш;
- ўзлаштирган талабаларга қўшимча дарслар ўтмишни ташкил этиш;
- амалий дарсларда хам назарий машғулотларни бериб бориш;
- дарслар жараёнида талабаларни кўпроқ мавзу юзасидан гапиртириш керак;
- талабаларга назарий машғулотларга асослаб мустақил иш, рефарат топшириқларни бериш ва бажартириш в. б.

REFERENCES:

1. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni: “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida” (Yangi tahriri) // Xalq so‘zi gazetasi, 28-iyun, 2000.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Ta‘lim to‘g‘risida”gi Qonuni 2020 yil 23 sentabr.
3. Ашурев, М. Ў.; Ашурева, М. М. (2020). Математика ўқитишида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Ўзбекистонда илмий амалий тадқиқотлар, 1(1), 254-256.
4. Artikov, A. (2020). About some methodological problems in teaching special sciences. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 379-384.
5. Ашурев, М. У., Ашурева, М. М., Жумабаев, Р. Б., & Тожиддинова, Д. Ф. (2016). Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг дастурлаш кўниммаларини шакллантириш. In *Конференция* (Vol. 2, No. 2, pp. 96-97).
6. Babakhodjayeva, N. M. (2020). Visualizers of algorithms as effective means of information technologies in education. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 6(9), 421-425.
7. Babakhodjayeva, N. M. (2020). Program-methodological complex as a means of improving the quality of learning in higher educational institutions. *Theoretical & Applied Science*, (7), 166-171.
8. Kadirova, Z. Z. (2021). Some comments on the interpretation and contrast aspects of the terms “Paraphrase” and “Periphrase”. *Theoretical & Applied Science*, (6), 486-489.
9. Kadirova, Z. Z. (2019). Principles of differentiation of periphrasal and euphemic units. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 269-273.
10. Kadirova, Z. Z. (2021). Alisher Navoiyning nasriy asarlarida insonga xos xususiyatlarni ifodalovchi perifrazalar. Ilm sarchashmalari, 2(2), 176-178.
11. Umarova, A. I., Miskinoa, S. Z. (2022). Cluster approach to the educational process in the organization of preschool education. International Conference on Social and Humanitarian Research, 1(2), 74-76.
12. Тригулова, А. Х., Кимсанов, О. (2021). Музикальные способности и их значение в процессе обучения учащихся музыкальных школ. Uchinchi renessans davrida maktabgacha ta’lim-tarbiyaning roli, 2(4), 50-53.

13. Kimsanov, O. (2021). Developing musical skills in the process of studying large-scale works in art school students. *Science and Education*, 2(12), 597-601.
14. Trigulova, A. K., & Kimsanov, O. (2021). Musical sense of hearing and methods of its development in the process of piano performance. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 1002-1004.
15. Умарова, А. И., Мискинова, С. З., Кимсанов, О. (2022). Таълим технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти. *O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar*, 2(9), 207-210.
16. Умарова, А. И., Абдалова, С. Р., Мискинова, С. З. (2022). Таълим олувчилаарни етакчилик қобилияtlарини аниқлаш ва ташхислаш. *O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar*, 2(9), 203-206.
17. Eshmuminov, A. (2019). Problems of creating national corpus of the uzbek language. level of synonyms. *Theoretical & Applied Science*, (5), 47-50.
18. Eshmuminov, A. (2022). The study of the meronymic phenomena in linguistics. *Барқарорлик ва етакчи тадқиқотлар онлайн илмий журнали*, 2(4), 265-266.
19. Umarova, A. I. (2022). Children with development problems music education and correction rhythmic. Экономика и социум, 95(4), 507-510.